

Development Of Future Vocational Teachers in The Process of Modernization on The Basis of Scientific Integration of General Professional and Special Competencies

Zhumanazarova Zukhra Kosimjonovna
Namangan Institute of Engineering and Technology
Assistant of the Department of General Engineering

Annotation: This article describes the formation and content of professional competence in future vocational education teachers, the role and importance of basic competencies in their preparation for professional activity, the formation of students' knowledge, skills and abilities in general and specialized subjects, pedagogical and technical knowledge.

Keywords: Teachers, vocational education, competence, competence, professional competence, interdisciplinary integration, integrative-differential approach.

Замонавий таълимда олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини таъминлашга қаратилган тизимли ислохотлар замирида профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, уларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш борасидаги замонавий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш долзарб вазифалардан саналади. Мамлакатимизда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини модернизациялаш, соҳадаги замонавий ривожланиш тенденциялари, илғор хорижий тажрибалар ва инновацион ёндашувлар асосида таълим мазмуни ва ўқитиш сифатини такомиллаштириш муҳимлиги сабабли у давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сон Қарори ва бошқалар бунинг яққол мисолидир.

Педагогик тадқиқотлар кўрсатадики, ўқувбилиш компетентлиги талабаларда касбий ва махсус компетенцияларни самарали шакллантириш имконини беради. Бу эса бўлажак мутахассисларда ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш замонавий таълимнинг муҳим масалаларидан эканлигини билдиради. А.В.Хуторский ўзининг таснифларида ўқув-билиш компетентлигини билимларни эгаллашга, билиш фаолияти методларини ўзлаштириш, таълим жараёнида муайян кўникма ва малакаларни, ижодий фикрлаш ва мустақилликни ривожлантиришга йўналтирилган асосий компетенция сифатида кўрсатиб ўтади.

Н.А.Муслимов ва К.Абдуллаеваларнинг фикрича, компетентлик – олинган назарий билим, кўникма ва малакалар мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражаси, бу ҳам талабанинг амалиёт жараёнида ва олий таълимдан кейинги фаолиятида шаклланиб боради. Бу борада биз бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувбилиш компетенциясига хос фикрни тўлиқ тушуниб олишимиз лозим. Ўқув-билиш компетенцияси - бу талабанинг мустақил билиш фаолияти соҳасидаги, шу жумладан, ҳақиқий таниқли нарсалар билан ўзаро боғлиқ бўлган мантиқий, методик, умумўқув фаолияти элементларининг бир қатор

компетенциялари мажмуасидир. Бу - ўқув-билиш фаолиятида мақсадларни аниқлаш, режалаштириш, таҳлил қилиш, акс эттириш, ўзини ўзи баҳолашни ўз ичига олади. Ушбу компетенциялар доирасида тегишли функционал саводхонлик талаблари аниқланади: далилларни гумонлардан фарқлаш; ўлчаш кўникмаларига эга бўлиш; эҳтимоллик, статистик ва бошқа идрок усулларидан фойдаланиш асосида модулликомпетенциявий ёндашиш.

Олий педагогика таълимида модулликомпетенциявий ёндашув педагогнинг касбий компетенциялар мажмуаси таълим вазифаси сифатида хизмат қиладиган таълим жараёнини ташкил этиш модели бўлиб, касбий-педагогик таълим тузилмаси ва таркиби модулли қурилиши унга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, бўлажак мутахассисларнинг касбий шаклланишида ўқув-билиш компетентлиги муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг инновацион ривожланиши талабларига мос сифатли таълим олишни таъминлаш мамлакат таълим сиёсатининг стратегик мақсадларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш эса бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўқувбилиш компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган ўқитишнинг модуль-рейтинг таълими ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари асосида модуль-рейтинг технологияси имкониятларини кенгайтириш, умумкасбий ва махсус фанлар модуллари вариативлигини таъминлаш, баҳолаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Олий таълим муассасалари “Касб таълими” таълим йўналишларида ўқитиш натижалари ва талабарларнинг касбий билимларни ўзлаштиришлари даражасини баҳолашнинг модуль-рейтинг тизими ўқув фанларининг рейтинг режасига мувофиқ компетентли ёндашув асосида жорий этилмоқда.

Ўргатувчи дастурий воситалар ва баҳолашнинг модульрейтинг тизими дидактиканинг қўйидаги асосий тамойилларини жорий этишни тақозо этади: илмийлик, тизимлилик, модуллилик, изчиллик, кўргазмалилик, касбий тайёргарлик. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифаларга мувофиқ талабаларни касбий шакллантиришда ўқитишнинг модуль-рейтинг технологиясини қўллаш долзарб ҳисобланади. Замонавий меҳнат бозори, бугун таълим сифатига ошаётган талабларни тақдим этиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлиги ва касбий тайёргарлиги, ўз навбатида олий таълим муассасалари, шу жумладан техник олий таълим муассасаларининг “Касб таълими” йўналиши битирувчилари ўртасида рақобат кучайишига олиб келади. Агар мутахассиснинг дастлабки малакаси фақат иш ўринларига мувофиқлиги ва тор ахборотни эгаллашни назарда тутса, “компетентлик” нафақат умумий турдаги, балки, хусусан кенг соҳада билимларни ўзлаштиришни талаб қилади.

Мутахассиснинг ўз кўникмаларини муваффақиятли амалга оширишда тайёргарлиги ва қобилиятлиги, ўзининг фаолияти самарадорлиги ва сифатини яхшилашни назарда тутди. Касбий фаолият билан боғлиқ турли хил вазифаларни талаба шахси фазилатлари ишлаб чиқилган мажмуаси сифатида белгилаш мумкин. Н.А.Муслимов ва бошқа тадқиқотчилар компетентлик тушунчаларига риоя қилган ҳолда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётганлар, техника олий таълим муассасалари талабалари касбий компетентлигини шахс фазилатлари бирлашмасини ташкил этиш сифатида, кейинчалик уларга муҳандислик фаолиятида ўз билим, кўникма ва малакаларини муваффақиятли амалга оширишда ёрдам беради, деб таъкидлашган.

Ўз навбатида, компетент ёндашув таълим технологиясида муҳим ўзгаришларни талаб қилади. Шунинг учун олий таълим муассасалари олдида бугун махсус технологиялар ва уларни таълим жараёнида амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Лекин биз ҳам кўп тадқиқотчилар каби техника олий таълим муассасалари бўлажак

мутахассислари касбий компетентлигини шакллантириш ҳали мазмунли таълим ва фанлараро алоқалардан фойдаланиш етарли даражада эмас, деб ҳисоблаймиз.

Чунки мазмунли таълимда бўлажак муҳандислик фаолиятининг касбий ва ижтимоий жиҳатларини моделлаштириш содир бўлади, ва фанлараро интеграция, ўз навбатида илм-фаннинг турли соҳаларида бирлаштирувчи элементи сифатида чиқади. Замонавий битирувчи – бўлажак техник мутахассис (касб таълими ўқитувчиси) – ўз касбий фаолиятида турли фанлар бўйича билимлар мажмуасини қўллашга эга бўлиши керак. Фанлараро интеграцияни билиш (билим) ва технологик муаммолар асосида ўқув фанларини бирлаштириш жараёни сифатида изоҳлаш мумкин. Биз учун фанлараро интеграция таълим дастурининг барча ўқув фанларини кенг қўламли ўзаро алоқасини яратишда таълим мақсади, тамойиллари ва маънолари мажмуани ифодалайди. Шунинг учун, талабалар таълимининг биринчи босқичидаёқ касбий компетентлик ривожлана бошлайди, катта курс талабаларига ҳар қандай мураккаб касбий вазиятларда тезкор оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган, уларда мустақил равишда муайян ҳаракатларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришни фанлараро алоқаларни ўрнатиш ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Педагог кадрларни касбий билим ва маҳоратларини оширишда малака ошириш жараёни муҳим роль ўйнайди. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш зарурияти жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса ўз ўрнида малака ошириш тизимида ўқитувчиларга ташаббускорлик, ижодий ишлаш, ижодий такомиллашув учун кенг имконият яратиш талаб этилади. Ўқитувчилар ижодий имкониятларининг ривожланиши, уларнинг мустақиллигига таяниш ва ўз-ўзини билиш (ўқитувчи сифатида англаш) асосида бўлиши мумкин. Чунки ўзини англаш ва ўзини билиш, ташаббус ва ижод учун катта йўл очади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т.1997 й.
2. Х.А. Абдуллаев, Ф.Ю. Хамалова. Ёш ўқитувчилар касбий билим ва маҳоратларини оширишнинг ижтимоий-педагогик муаммолари. Ф. 2008
3. Педагогик устахона” ёш ўқитувчиларга методик ёрдам. “Маърифат” 2007 йил 11 июль.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент 2008.